



# YOSHLAR OVOZI

## MUNOSABAT

### “ВАТАНПАРВАРЛАР” БИТТА БЎЛМАЙДИ

Бир инсонни нима учун ватанпарвар дейиш мумкин? Ватанини севсами? Эҳтимол. Унинг химоясига шайлиги учунми? Бу ҳам тўғри фикр. Ёки юрт тақдирини ўзиники деб билганлар чин ватанпарварми? Ҳарқалай, қанча вариантларни санаб ўтмайлик, бу мавзунини адоғига етказиш қийин. Аниги шуки,

#### ВАТАНПАРВАРЛИК ХИССИ КИШИ ҚАЛБИНИНГ ЧЎҒИ, ЧИРОҒИ БЎЛМОҒИ ДАРКОР.

Бугунги ўзбекистонликлар, айниқса, ёшларимиз қалбида бундай тафти-хароратни пайдо қилиш жуда муҳим. Зотан,

ДАДИЛ ҚАДАМЛАР БИЛАН  
ТАРАҚҚИЁТ САРИ ОДИМЛА-  
ЁТГАН ВАТАНГА ФИДОЙИ,  
ЖОНКУЯР ФАРЗАНДЛАР  
КЕРАК. УЛАР ЭСА, ОСМОН-  
ДАН ТУШМАЙДИ, АЛБАТТА.  
КАТТА ИШЛАРГА ҚОДИР,  
ЭЗГУЛИККА ЭШ БАРКАМОЛ  
АВЛОДНИ ФАҚАТ МАШАҚҚАТ-  
ЛИ МЕХНАТ ЭВАЗИГА ТАРБИЯ-  
ЛАШ МУМКИН. ҚАНЧА ЭРТА  
БЎЛСА, ШУНЧА ЯХШИ.

2018 йил январь. Президентимиз Қарши шаҳридаги болалар боғига тамоман янги — ватанпарварлик руҳини синдириш бўйича маҳаллий мутасаддиларга топширик берган эди. Бир йилга қолмай, Қашқадарё вилояти

марказида “Ватанпарварлар” маскани бунёд этилганига куни кеча давлатимиз раҳбари шахсан ўзи шу боғни келиб кўриши асносида гувоҳ бўлдик.

Етти гектар майдонни қамраб олган ажиб гўша, аввало, ўзига хос, бетакрор архитектураси билан эътиборни тортади. Боғ марказида айлана гардишли музей қурилмоқда. Ундан юртимиз муҳофаза қудратини акс эттирувчи турфа экспонатлар жой олади. Яна бир муҳим жиҳат: музейда турли даврларда Ватан озодлиги ва тинчлиги йўлида мардонавор курашиб, жангдошларда жон таслим қилган аждодларимиз сиймосини гавдалантириш ҳам кўзда тутилган. Жажжи фуқаролар она туپроқни севиш ва ардоқлаш нималигини мана шундай ноодатий шароитда — тарих билан юзма-юз кўришиб, теран англаша не ажаб.

#### “ВАТАНПАРВАРЛАР” БОҒИ- НИ 24 ТА ҲАРБИЙ ТЕХНИКА МАКЕТИ БЕЗАБ ТУРИБДИ. БУНАҚА РАНГ-БАРАНГЛИК- НИ ҲАТТО ҲАҚИҚИЙ ПО- ЛИГОНЛАРДА ҲАМ КЎРИШ ДАРГУМОН.

Блиндажни айтмайсизми. Худди Иккинчи жаҳон урушидаги манзаранинг ўзгинаси. Ўтмиш воқеаларини фронт даҳшатлари ҳақида болаларга узундан-узок сўзлаш шарт эмас. Мана шундай қурилманинг ўзи минг гапдан афзалдир.

Блиндажга туташ ўк отиш жойи ва

лукодром эса, спортсевар ёшлар учун айни муддао. Шу дамда жайлари фалсафа ҳаёлини ўғирлайди: жисмоний тайёргарлиги нўноқ инсон юртга қалқон бўла оладими, ахир?! Шубҳасиз, йўқ! Кўриниб турганидек, интилиш ва ҳаракатимиз ҳам шунга яраша-да.

#### ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ- НИНГ “ВАТАНПАРВАРЛАР” БОҒИ НАФАҚАТ ТОМОША ОБЪЕКТИ, БАЛКИ ТАРБИЯ ВОСИТАСИ БЎЛИШИ КЕ- РАКЛИГИГА ДОИР ҚАТЪИЙ ТАЛАБИ ЮЗ ФОНЗ ҲАҚЛИ ТАЛАБДИР. АКС ҲОЛДА, САЛҚАМ 30 МИЛЛИАРД СЎМ МАБЛАҒНИ ҲАВОГА ШУНЧАКИ СОВУРГАН БЎЛАМИЗ.

Аждодларга ҳурмат бажо келтириш аслида ўзбекна тарбиянинг ажралмас унсuri. Қаршидаги кўркем боғ киёфасида шу жиҳат яққол намоён бўлгандек, назаримизда. Гап майдон марказидаги Ўзбекистон харитасининг улкан макети ҳақида бормоқда. Унда жонжон юртимиз худудларидан етишиб чиққан улуг сиймолар, кўхна обидалар ҳамда бетакрор табиий ландшафт бор таровати ила акс эттирилган. Билсангиз, бу ҳам тарихни англаштиришнинг бир усули.

Ишончимиз қомил, “Ватанпарварлар” боғи Ўзбекистонда битта бўлмайди. Қанча кўп бўлса, шунча яхши!

Н.БАХОДИРОВА

## RAG'BAT



### Сурат чизганга СОВРИН

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашида “Биз, ёшлар юртимизга хизмат қилишда виждонли, инсофли ва ҳалол бўлишимиз шарт!” шiori остида ўтказилган республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ёшлар иттифоқи Бош прокуратура, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этган танловда 20 минг нафарга яқин ўғил-қиз қатнашди.

— Коррупция инсонларни соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа ижтимоий хизмат турларидан тенглик асосида фойдаланиш имкониятидан маҳрум қилади, — дейди БМТ

Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги вакили Ашита Миттал. — Ёшлар қонун устуворлиги ва давлатнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги сатъ-ҳаракатлари тўғрисида кўпроқ маълумотга эга бўлиши керак. Сабоби эртага улар шу иллатга қарши курашувчи кучга айланади.

Тадбир якунида “Энг яхши плакат”, “Энг яхши сурат” ва “Энг яхши баён” номинациялари ғолиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Мухбиримиз

## TANLIL VA TALQIN

### КАТТА ЙЎЛ БОШИДА

Кўчага чиқиб, одамларнинг умумий кайфияти, фикр-мулоҳазалари билан қизиқсангиз, аксарияти тиббий хизмат сифатию тиббиёт муассасаларидаги сансалорлик ҳамда бетизгин оворагарчилик ҳолатларидан тўйиб кетганини айтади. Бепул тиббиёт бор, лекин ғоят қониқарсиз даражада, пулли хизматлар, айниқса, хусусий клиникалардаги “самовий” нархларга эса, ҳамминанг ҳам чўнтаги дош бермайди. Шифокорларнинг малака ва масъулияти-ку, ундан-да оғир масала!



“Китобсиз ўтган бир кун бой берилган минг кун”, дейди донолар. Китоб инсонга маънавий қувват берадиган, орзуларини рўёбга чиқаришга ёрдам кўрсатадиган самимий дўст. У қалбимизга эзгулик олиб киради.

Пойтахтимизда қарийб ўн кун давом этган “Ёш китобхон” танловининг барча ёш тоифалари бўйича финал босқичлари якунланди. 20-30 ёшли китобсеварлар ўртасида ўтказилган беллашувда Тошкент шаҳридан Шохсанам Холбоева ғолиб чиқиб, “Spark” автомобилига эга бўлди. Тошкент вилояти вакили Дилнавоз Нажимова 2-ўрин, жиззахлик Дилноза Илхимова эса, 3-ўринни эгаллади.

Шу куннинг ўзида Ёшлар иттифоқи томонидан иккинчи бор ташкил қилинган танловнинг сарҳисобига бағишланган очик мулоқот ўтказилди. Унда ҳакамлар

хайъати ҳамда экспертлар гуруҳи вакиллари, танлов иштирокчилари ва ғолиблари, фаол ёшлар қатнашди. Мулоқот давомида ҳакамлар хайъати аъзолари танлов низомининг баъзи бандларига ўзгартиришлар киритиш, лойиҳа қамровини кенгайтиришни таклиф қилди. Жумладан, нафақат мумтоз, балки замонавий шоирлар ижодида бағишланган саволларни кўпайтириш, шеърни қисман эмас, балки тўлиқ бериб, мукамал шарҳланшига эришиш мақсадга мувофиқлиги айтилди.

Эслабиз ўтамыз, “Ёш китобхон – 2018” танловида самарқандлик Махлиё Ўроқова (10-14 ёш) ва қоракалпоғистонлик Нурсулму Коқанова (15-19 ёш) ҳам 1-ўринни қўлга киритган.

Ҳасан УСМОНОВ

## ESHITDINGIZMI?

### ҲИСОБИМИЗДА УЧТА МЕДАЛЬ



Аниқ фанлар (математика, кимё, физика) бўйича II халқаро ўсмирлар олимпиадасида Ўзбекистон вакиллари умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади.

Озарбайжоннинг Боку шаҳрида ўтказилган беллашувда 12 мамлакатдан 112 нафар йигит-қиз қатнашди. Терма жамоамиз таркибига кирган Қорақўл туманидаги 1-иختисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқувчилари — Дониёр Исмоилов, Севара Остонова ҳамда Лазизбек Ражаббоев кумуш медалларга сазовор бўлди.

Н.НУРАЛИЕВА

## ЗАРЪДОРДА

### “Ёшлар меҳнат гузари” очилди

Муассаса “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури доирасида барпо этилган. Унинг очилиш маросимида вилоят ҳокими ўринбосари Ботир Тўхтамишев, Ёшлар иттифоқининг худудий кенгаши раиси Дилмурод Худойшукуров, маҳаллий ҳокимлик мутасаддилари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

— Ёшлар яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, бу ерда тадбиркорлик фаолиятини самарали



олиб боришига ишонаман, — деди Б.Тўхтамишев. — Уларни имкон қадар қўллашга тайёрмиз.

“Ёшлар меҳнат гузари”нинг биринчи қаватида гузаллик салони, “Book kafe”, иккинчи қаватида эса, инглиз тили ҳамда тикувчилик тўғрисидаги ўқув жойи ҳозирланган.

Тадбир якунида фаоллиги ва фидойилиги билан тенгдошларига ўрнак бўлиб келаётган ёшлар Иттифоқнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Элдор НАВРЎЗОВ

## BUGUNNING GAPI

МАСЪУЛИЯТ  
ОЗ БЎЛМАЙДИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ёшлар бандлигини таъминлаш, шу орқали улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган. Бугун давлат ва жамоат ташкилотлари шу мақсадда бир ёқадан бош чиқариб иш олиб бормоқда. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳам четда тургани йўқ.

Жорий йилда ХОРАЗМ вилоятининг ўзида алашиб жиноят йўлига кирган ва кўлмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган 33 нафар йигит-қиз Ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгашининг кафилиги асосида қамок жазосидан саклаб қолинди. Бу ҳақда Урганч шаҳридаги Ёшлар марказида ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масаласига бағишлаб ўтказилган анжуманда маълум қилинди. Тадбирда 2018 йил мобайнида соҳада қилинган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Қайд этилганидек, ҳамкор ташкилотлар билан амалга оширилган лойиҳалар натижасида ёшлар ўртасидаги жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 36 фоизга камайдди. Бироқ жойларда ечимини кутаётган муаммолар ҳали кўп. Масалан, Гур-

лан туманида ёшлар жиноятчилиги 55,6 фоизга ошган. Шунингдек, Хива шаҳри, Хонка ва Богот туманларидаги аҳвол ҳам қувонарли эмас.



Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш учун йигит-қизларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларда фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш зарур. АНДИЖОНДА ўтказилган далабда мазкур йўналишда қилинаётган ишлар таҳлил қилиниб, тарғибот тадбирларини кўпайтириш, жиноятта мойиллиги бор ёшлар учун ўқув-оромгоҳлари ҳамда "Психолог қабулхоналари"ни ташкил қилишга доир тақдирлар ўртага ташланди.



## MEDIAMULOQOT

ОНЛАЙН ЖУРНАЛИСТИКА —  
МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидида "Онлайн журналистиканинг долзарб масалалари" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди



Муқаддас МУСАЕВА

Анжуманда юртимизда фаолият кўрсатаётган соҳа мутахассислари, ётачки олимлар, профессор-ўқитувчилар, шунингдек, Жанубий Корея, Индонезия, Қозғистон ва Қирғизистондан келган меҳмонлар иштирок этди. Улар бир майдонда интернет журналистикаси тарихи, жанрлар интеграцияси, онлайн телевидение, ахборот маконида мафкуравий барқарорлик ва бошқа бир қатор масалалар муҳокама этилди.

— Мустақиллик қўлга киритилганида Ўзбекистонда бор-йўғи 395 та оммавий ахборот воситаси бор эди, — дейди фалсафа фанлари доктор Беруний Алимов. — Энди эса, уларнинг сони 1 минг 636 та. Онлайн журналистика биз учун бирмунча янги йўналиш бўлса-да, дунё микросида кенг қулоч ёйган. Юртимизда нашрлари ва ахборот сайтлари 2007 йилдан буён рўйхатга



ти декани Нозима Муратова. — 80 фоизи мобил интернетга уланган. Натижада аҳолининг ижтимоий тармоқлардаги фаоллиги ошмоқда.

Илгари ижтимоий медиалардан мулоҳаза ва муҳокама минбари сифатида фойдаланган бўлсак, бугун улар жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг муҳим воситаси сифатида қабул қилиняпти. Бундай шароитда одамларнинг медиамаданияти ва медиасаводхонлигини ошириш янада устувор аҳамият касб этади.

Муҳокамалар жараёнида хориклик мутахассислар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Малакали



профессор-ўқитувчиларнинг мавзуга доир тақдиротлари талабалар учун ўзига хос маҳорат дarsi бўлиб хизмат қилди.

Аҳолисининг 288 минг нафардан зиёдини навқирон авлод вакиллари ташкил этадиган НАВОИЙ вилоятида йил давомида ёшлар томонидан 588 та жиноят содир этилган. Жавобгарликка тортилганларнинг 22 нафари коллеж ва 23 нафари мактаб ўқувчиси, 13 нафари эса, талаба экани жуда ачинарлидир. Айни пайтда Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши томонидан қатор давлат ва жамо-

ат ташкилотлари билан ҳамкорликда наврасталарнинг муаммоларини тизимли ўрганиш, имконияти чекланган ёшлар, ижтимоий шароити оғир ва носоғлом оилалар фарзандлари ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида жадал ишлар амалга оширилмоқда.

— Бу рақамлар ортида одамлар тақдир, қанчалаб оилалар томонидан мисқоллаб йиғилган обрў-эътибори ётибди, — дейди Иттифоқнинг вилоят кенгаши бўлими муdiri Феруз Бобоқулов. — Барчамиз — оила, мактаб, маҳалладан тортиб, давлат органларигача биргалликда ҳаракат қилсаккина бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мумкин.

Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларига бағишланган анжуман ЖИЗЗАХ вилоятида ҳам ўтказилди. Унда соҳада қилинган ишлар сарҳисоб қилинди. Зафаробод, Пахтақор, Зомин туманларидаги аҳвол танқид қилиниб, мутасаддиларга салбий ҳолатларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Яқунда иштирокчиларнинг тақдирлари асосида 2019 йилда вилоятда жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар режаси лойиҳаси тайёрланди.

Муҳбирларимиз

## "YOSHLAR — KELAJAGIMIZ" DAVLAT DASTURI — AMALDA

ЁШ ТАДБИРКОР  
ЯНГИ КОРХОНАНИ  
ИШГА ТУШИРДИМ.СУЛАЙМОНОВ,  
ЎЗА муҳбири

Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғинида "Uz world textile" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Мазкур жамият фойдаланишга топширилиши маросимида мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, ёш тадбиркорларнинг истикболга ғоя ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга устувор аҳамият қаратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Президентимизнинг 2018 йил 27 июндаги "Yoshlar — kelajagimiz" Davlat dasturi tўg'risida"ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 16 августдаги "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўg'risida"ги қарори бу борада кенг имкониятлар яратмоқда.

Фарғона вилоятида Давлат дастурига асосан жорий йилда ёшлар тадбиркорлигини имтиёзли кредитлаш мақсадида 830 та лойиҳага 83 миллиард 783 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Айни кунларда шаҳар ва туманларда кўплаб лойиҳалар ишга туширилмоқда. Ёзёвон туманида фойдаланишга



топширилган мазкур жамият ҳам ана шулардан бири.

Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур жамият учун "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси томонидан 650 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бўш турган бино "ноль" қийматда ёш тадбиркорга берилди. Энг замонавий дастгоҳлар ўрнатилиб, қишлоқ кизлари учун 40 та янги иш ўрни яратилди. Эътиборлиси, шу ернинг ўзида кизларни тикувчиликка ўргатиш мақсадида ўқув курслари ҳам ташкил этилди.

Мамлакатимизда ёш тадбир-

корларга кенг имкониятлар яратилаётгани бизни янада изланишга ундамоқда, — дейди жамият раҳбари Жасурбек Холмуродов. — Хусусан, "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармасининг молиявий қўллаб-қувватлаши ғайратимга-ғайрат қўшди. Айни кунларда ёшлар учун мўлжаллаган 5 турдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бошладик. Келгусида маҳсулот турини кўпайтириш ва экспортга йўналтиришни ҳам режалаштирганмиз.

Янги корхонанинг очилиш маросимида Фарғона вилояти ҳокими Ш.Ғаниев сўзга чиқди.

OGONLIK — DAVR TALABI  
ХАЛҚ УЧУН  
КОНИ ЗАРАР

Х.ТОШТЕМИРОВ



## TAJIRIBA

900 ТА МУАММО  
ҲАЗИЛАКАМ ГАПМИ?

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

Ёшлар пресс-клубида Пастдарғом туманида амалга оширилган "Ёш оилаларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қўмағи" лойиҳаси натижалари сарҳисоб қилинди. Эзгу ташаббус айнан шу ҳудуддан бошлангани бежиз эмас. Жорий йилда тумандаги ажримлар сони нақ икки баробарга ошган!

Лойиҳа доирасида мутахассислар хонадонма-хонадон юриб, оилалардаги маънавий муҳит ва ижтимоий аҳволини ўрганди. Шу аснода муаммолар ва уларнинг илдизлари ҳам аён бўлди. Ҳар бир маҳаллада "Психологик қабулхона" ташкил этилиб, яққам-яққа суҳбатлар натижасида 17 та ажрим ҳолатининг олди олинди. 1 минг 575 та ёш оила орасида тушуштириш ишлари олиб борилди. Икки ҳафталик ўрганишлар

жараёнида аниқланган салкам 900 та муаммонинг 400 га яқини ижобий ҳал этилди. Туман ФХДЭ бўлимига никоҳдан ўтиш мақсадида ариза билан мурожаат қилган йигит-қизларга психологик ва ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Яқунда мутахассислар ижтимоий-иқтисодий ҳолати оғир ёш оилалар билан мутасаддилар билан 2019 йилга мўлжалланган "Йул ҳаритаси"ни ишлаб чиқди.

Тошкент давлат шарқшунослик институтидида "Биз, ёшлар коррупцияга қаршимиз!" шиори остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис депутатлари, Ички ишлар вазирлиги академиясининг профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Тадбирда мутахассислар "Коррупцияга қарши курашиш тўg'risida"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталди. Бу иллатни таг-томири билан йўқотиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳамда уларнинг натижалари шарҳланди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар юзасидан ёшлар ўзларини кизиктирган саволларга жавоб олди.

— Коррупция — глобал муаммо, — дейди олийтоҳ талабаси Жаҳонгир Саидов. — У биронга ҳам мамлакатни четлаб ўтмаган. Ва ҳамма давлатларда тараққиётга раҳна солиб келмоқда. Коррупциядан фақат айрим баттол амалдорлар фойда кўриши мумкин. Лекин давлат ва халқ учун у қони зарар. Биз, ёшлар мана шу ҳақиқатни теран англаб олмоғимиз даркор.

## FOTOFAKT

Ҳар кишига  
биттадан тухфа

Озода РЎЗИМОВА

Йигит-қизларни спортга оммавий жалб этиш мақсадида Ёшлар иттифоқининг Эллиқалъа тумани кенгаши 35 нафар ўқувчига шахмат ва шашка доскаларини топширди.

— Шахматга болаликдан қизиқаман, — дейди 22-умумтаълим мактабининг 8-синфида таълим олаётган Нигина Ходжиева. — Ёшлар иттифоқининг тухфаси мени бағоят қувонтирди. Энди уйда ҳам бўш вақт топиб бемалол дона суришим мумкин. Эътибор учун раҳмат!



PREMYERADAN SO'NG



# “БЕРЛИН – ОКҚҮРҒОН” дан СИЁСАТ ҚИДИРМАНГ!

Шерзод МАХМУДОВ

**Сарлавхани ўқиб, хайрон бўлманг. Зулфикор Мусоқов суратга олган “Берлин – Окқурғон” фильмининг оммавий ахборот воситалари учун махсус премьерасидан сўнг мақолага қандай сарлавха қўйиш борасида кўп ўйладим. Хаёлимда турфа вариантлар айланаверди. Аммо матбуот анжуманида режиссёрнинг “Бу фильмдан сиёсат изламанг”, — деган гапидан аълороғини топмадим.**

Агар кино тепадаги қайси бир раҳбарларга ёқмай қолиб, улар сиёсий ҳато изланадиган бўлса, тасом. Йўқ жойдан камчилик топиши аниқ. Шу пайтгача Ўзбекистонда Гитлер, Сталин, Гиммлер, Геббельс каби номи уруш билан боғлиқ тарихий шахслар ҳақида бадий фильм яратилган эмас. Шу аснода биров “Эски давр руҳи уфуриб турибди”, деган идаони айтиши ҳам мумкин. Бирок “Берлин – Окқурғон”ни асл кино асаридан роҳатланиб, ундан янгидан-янги ижобий маънолар топадиган, яхшилик ва ёмонликни ажрата олишга қодир томошабин сифатида кўрмоқлик жоиз, деб ўйлаймиз.

**ФИЛЬМ 16 ЁШДАН КАТТАЛАР УЧУН!**

Алишер Навоий номидаги кино саройга қирар эканман, фильмни томоша қилиш учун келганларнинг аксарияти ёшлар эканидан хурсанд бўлдим. Мусоқовнинг мухлислари! Жиддий кинолар олувчи тажрибали режиссёрни тушуниш ҳар кимга ҳам эмас. Тақдирот аввалида фильмни 16 ёшдан катталар кўриши лозимлиги, ёш болаларнинг шовқини бошқаларга ҳалақит бериши мумкинлиги таъкидланди. ... Ниҳоят, барчани қизиқтирган премьераси бошланди.

**ДАВРАТ СИНЧИСИ**

Тоғдаги аёлни кин. Тоға ва жиян ботиб қолган. Қўзғовий ҳали тузук милтиқ отишни-да билмайдиган ўспирин бола. Кадр алмашади. Бугунги кун. Самолёт Исроил халқаро аэропортидан Германияга қараб учмоқда. Берлин. Касалхона. Бир кишилик палатада қария даволанмоқда. Журналист киз киёфасидаги МОССАД агенти ундан интервью олмақчи бўлиб, ўзини таништиради. Қария эса, унинг яхшиликни англаб, хонадан қувиб солади. Шундан кейин аҳоли ёмонлашади. Томошабинда, демак, яхшилик билан боғлиқ қандайдир воқеа бор деган тахмин уйғонади. Манзара ўзгаради. Яна бугунги кун. Супадаги чол кампирга: “Сенга бир гап айтмоқчи эдим. Эсимдан чиқиб қолди”, — дейди. Айна шу жойда Чеховнинг “Агар ҳикоя аввалида деворда милтиқ осиглик турибди деган жумла ишлатилса, ўша милтиқ ҳикоя яқунда отилиши керак”, деган машҳур ибораси ўз ибоботини топган. Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз. Фильмга кириб олиш бирмунча кийин. Даврларнинг тез-тез ўзгариши, Ўзбекистон, Германия, Россиядаги наомиш ҳам Гулшодани келин қилади. Қўзғовийнинг Гулшодага бўлган самими муносабати, пок муҳаббати томошабинда юмор ҳисси билан бирга ён-

**ҚҲЗИВОЙ ВА ГҲШОДА**

Бош қаҳрамон Окқурғоннинг сўлим табиятида қатта бўлаётган Қўзғовий (Ҳасан Шухратов) исми йиғит. Отаси (Сейдулла Молдахонов) — гунг. Қолхозда қоровуллик қилади. Онаси (Раъно Шодиева) қолхоз раисаси бўлса-да, жайлари аёл, билими ҳам ҳаминқадар. Бу образлар негадир ўша суронли йилларда мамлакатда бўлаётган қатоган қирғинини жимгина, томошабин бўлиб қузатган ўзбекларни ёдга солади. Халқнинг юрагини эзаётган дардини билдирмай, ожиз, абор ҳолда бир четда тургани саводсизлик белгиси эмасми? Эри ватан хоини, деб топилган аёл (Нигора Каримбоева) кизи Гулшода (Раъно Асадова) билан Қўзғовий яшайдиган Окқурғонга келади. Уни қилшқ одамлари ўзбекларга хос меҳмондўстлик билан қутиб олади. Уйдан жой беради. Қўзғовий ва Гулшоданинг танишуви, кейинчалик муҳаббати ана шундай бошланади. Онаси билан сургунга ҳукм қилинган Гулшодани Қўзғовий ва унинг оиласи раҳбарларга “Гулшода чўкиб ўлди”, деган ёлгон хабар билан қутқариб қолади. Ёшларнинг муносабатига қарши бўлиб келган Қўзғовийнинг онаси ҳам Гулшодани келин қилади. Қўзғовийнинг Гулшодага бўлган самими муносабати, пок муҳаббати томошабинда юмор ҳисси билан бирга ён-

атрофда улар каби одамлар ҳозир ҳам бордек таассурот уйғотади.

**К. КЛАУС ВА САРА**

Энди Берлинга ўтамиз. Икки қўшни — бири немис, бири эса, яхшудий. Гитлер ҳокимият тепасига келгунга қадар иккиси жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлган. Ҳар тонг сут сотувчи уларга бир хил идишда сут олиб келарди. Бу ҳолат фашистлар яхшудийларга қарши қирғинбарот эълон қилмагунга қадар давом этган. Қарама-қарши уйда ашовчи қўшнилари сиймосида миллатлар ўртасидаги зиддиятни кўриш мумкин. Рамзийлик, маъно, қўлам тушунчасининг кенглигини “Мусоқовча усул” дейишди. Ана шу икки оиланинг фарзандлари — немис Клаус ва яхшудий Сара бир-бирига болаликдан кўнгли қўйган. Фильмда яхшудийларнинг урф-одат ва анъаналари имкон қадар очиб берилган. Ўсмирлик пайтида Клаус киздан бўса олмақчи эканини айтганида Сара бу мумкин эмаслигини, яхшудийларда қув келиндан фақат тўй кунини парда ортида бўса олишини айтади. Ногоҳ фашистлар байроғи иккисининг ўртасига тушади. Клаус хилпирётган байроқ остида Сарадан бўса олади. Бу билан режиссёр ёшларни ҳатто қонхўр диктатура ҳам ажрата олмалиги, улардаги покиза қалб ҳали ўлмаганига ишора қилган.

лат вақилига ишониб топширилган. Шунингдек, “Берлин – Окқурғон”да Мусоқовнинг анъанавий актёрлар жамоасини ҳам кўрамиз. Бир неча ҳафта аввал премьераси бўлган шов-шувли фильмдаги роли қандай вазифани бажарганини картина режиссёрдан бошқа ҳеч ким билмайдиган Раъно Шодиева, Шахзода Матчонованинг актёрлиги маҳорати тўла-тўқис очиб берилган. Ҳа, кимдан қандай фойдаланиш ҳам режиссёрнинг маҳоратини кўрсатиб берад экан.

**МАРЯМ ЁҚУБОВАННИНГ ОБРАЗИ НЕГА КЕРАК?**

Маҳоратли ўзбек актрисаси Шахзода Матчоноваси яратган образ фильмга жуда мос келган, назаримизда. Уни қизидек кўрган немис актёри Майерхольднинг қатл қилиниши, Россияда немислар қирғини сабаби Матчоноваси иштирокидаги сахналарда ойдинлашади. Фильмда актрисанинг яна бир вазифаси бор. Халқ душмани деб сургун қилинган Гулшоданинг онаси поездга чиқаётганида овоз этилиш умидида Сталинга ёзган мактубини соққиларга билдирмай ерга ташлайди. Буни кўрган Марям хатни Кремлга жўнатади. Тасодифи қарангки, Сталин мамлакат зиёлиларини сургун қилиш ҳақидаги буйруққа имзо чекаётганида қотиби адашиб, ўша хатни қозғолар орасига

топаётган нуронийларимизни кўрасиз. Бир пайтнинг ўзида касалхонада ҳеч ким йўқ, ёлғиз кўриқчиси ёрдамида даволанаётган кекса Клауснинг ҳолатидан ачинасиз.

Клаус севган кизи Сара ва унинг оиласининг ўлимига сабабчи бўлади, дедик. Бирок бахтли тасодиф туфайли Сара тирик қолади. Фарзандини дунёга келтиради. Унинг авлоди — Клауснинг набираси эса, ёлланма қотил бўлиб етишади. У журналист киёфасида келиб, онаси ва бувисини ўлдирган бобосидан ўч олади. Мана сизга қутилмаган сюжет туғун!

**“БЕРЛИН – ОКҚҮРҒОН” — ШАХСИЙ КИНО**

Зулфикор Мусоқов таъкидлаганидек, фильм ҳаётини ва шахсий деталарни қурган. Режиссёрнинг ҳаётида содир бўлган, ўзи эшитган, кўрган воқеаларга асосланиб, сценарий бўлишини олти йил кутган, икки йил давомда суратга олинган картина. Режиссёр айтганидек: “Ундан сиёсат қидирманг. Уни инсон тақдирини акс этган фильм деб билинг”.

**ДОНОЛАР ҲАЁТНИ ҚУЗАТУРЛАР ЖИМ!**

Кинотеатрда поп-корн еб кўтирадиган томошабин бу фильмнинг маъносини тушуниши мушкул. Бугунги аудитория тайёр нарсасига ўрганиб қоляпти. Аслида бу — камчилигимиз. Одамларни мушоадага қорловчи, жиддий кинога қизиқтириш қисман оммавий ахборот воситаларининг ҳам иши. Аммо биз, журналистлар нима қилишимиз? “Кампир нега чолига сигарет чекиши учун олов ёқиб берди?”, “Нега чол-кампир медаль тақиб, ясашиб олган?” каби тор саволлар бериш билан бандимиз. Тасаввурни кенгайтирайлик. Қобикдан чиқишга, бизга нотаниш одамларни кўришга интилайлик. Қўлингиздан келмаса, инданманг, сукут сакланг! Тушунмасангиз, кайта-кайта кўринг. Лекин юзаки фикрламанг.

Севимли адимбизим Ўткир Хошимов “Тушда кечган умрлар” романида Рустам номидан шундай сатр битганди: “Донолар ҳаётни қузатурлар жим”.



**ҲИЛАТ “БЕРЛИН – ОКҚҮРҒОН”НИ ҚҲРАДИМИ?**

Ҳиладан англамайди. Муаллиф Сталин буйруққа имзо чекаётган пайтда кадр ортида шундай дейди: “Уни Сталиннинг биргина имзоси қутқариб қолди. Лекин юз минглаб оилалар тақдирини нима бўлади?”.

Матбуот анжуманида шу ҳолатга эътибор қаратилди. Бир журналист томонидан: “Сталин шахсини улуғлаш барибарда маъқул воқеа ҳаётини эмас”, — деган фикр билдирилди. Режиссёр эса бунга: “Бу реал воқеа. Окқурғонда ўтган болалик пайтларимда бу вазиятнинг оқибатини эшитганман. Бир аёл худди шундай тарзда сургундан қайтиб келган”, — деб жавоб қайтарди.

**ТААССУРОТЛАР**

Ниҳоят, фильм яқунланди. Қўнчилиқнинг кўзида ёш. 100 дақиқата бунчалик қатта маънони (ҳали биз пайқаманган жиҳатлари қанча) жойлаш, қаҳрамонлар тақдирини ачинаш ҳиссини уйғотиш устасининг иши. Айниқса, фильм эгулиги билан хотима топиши қувонарли. Қўзғовий чолнинг кампирини (Тўти Юсупова)га: “Мен сени севман, Гулшода!” — деган хитоби томошабинлар олқишига сазовор бўлди (мақола аввалидаги Чеховнинг гапини эсланг). Уларнинг киёфасида дорилармон қуларда фарзандлари, набиралари даврасида кадр

**БОШҚА ТААССУРОТЛАР...**

“Қулоқ” детали ҳақида яна бир гап. Параллель равишда Қўзғовий ҳам фильм аввалида милтиқни тузук ушлай олмайдиган, гўр бир йилгидан урушда ҳалок бўлиб, жасади тўрт бўлакка бўлиб ташланган тоғасининг ўлими учун қасос олувчи, немис аскарининг қулоғини кесиб, ўзига хос “дастхат” қолдирадиган моҳир снайперга айланади. Ҳа, ҳаёт ҳар инсонни ўз низмига солади деганлари рост.

Германиядаги фашистлар ҳукумати яхшудийларга қарши қирғин бошлаган. Руслар эса, мамлакатдаги зиёли немислар учун қатоган сиёсатини олиб бормоқда. Ўзимизда ўзбеклар ўзбекларини сотиш, қатоган қилиш билан овора. Тарихдан ўчириб бўлмайдиган аччиқ ҳақиқат бу.

**АКТЁРЛАР ИЖРОСИ**

Мусоқов кинога ҳар кимни ҳам қаҳравермайди. Актёрларни чертиб-чертиб танлайди. Аммо янги истеъодларнинг кашф қилишдан ҳам қайтмайди. Қайси ижодкордан қандай фойдаланиш кераклигини жуда яхши билади. Таъкидлаш керак, фильмдаги актёрлар географияси жуда кенг. Сталин сиймоси грузин кино мактаби вакили, Гитлер образи ўша мил-

**MUASSIS**  
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI  
MARKAZIY KENGASHI  
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.  
Bosh muharrir  
Karimov Faxriddin Turdaliyevich

**TAHRIR HAY'ATI**  
Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova – bosh muharrir o'rinbosari (“Yoshlar ovozi”), Irina Kochergina – bosh muharrir o'rinbosari (“Молодежь Узбекистана”), Yelena Kalinina – mas'ul kotib (“Молодежь Узбекистана”)

**Dizayner**  
Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich  
**Navbatchi**  
Sherzod Mahmudov  
**“YOSHLAR OVOZI” dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.**  
belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.  
Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

**Tahririyat manzili:** 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.  
**Telefonlar:** (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (faks)  
**E-mail:** yoshlarovozi@umail.uz  
“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida. A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma tabloq.  
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.  
**Indeksalar:** 203, 3203  
Bahosi kelishilgan narxda.  
Buyurtma G-1236  
Adadi — 11057  
Boshlarga topshirish vaqti — 21.00  
Topshirildi — 23.10  
O'za yakuni — 22.45